



Кун нафаси



Давлатимиз раҳбарининг «Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.



Президентимиз «2022 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.




Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16 февралдаги тегишли қарори асосида Ҳоким ёрдамчилари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди.



2022 йил 18 февраль куни Барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифаларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалга оширилишини назорат қилиш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.



Пойтахтимиздаги «Hilton Tashkent City» меҳмонхонасида «Semurg Insurance» компаниясининг агросуғурта соҳаси бўйича эришган ютуқ, тажриба ва имкониятларига бағишланган халқаро анжуман ташкил этилди.




18 февраль куни Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон Ташқи сиёсий фаолиятининг янги концепцияси лойиҳаси муҳокама қилинди.



Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА) Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига саратон олди касалликларини бирламчи босқичда даволаш ускуналарини тақдим этди.



Анджонда Жанубий кореялик мутахассислар иштирокида аёллардаги саратон касаллигининг олдини олишга қаратилган халқаро лойиҳа доирасида тиббий текширувлар ўтказилмоқда.



Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигида Бирлашган Араб Амирликларининг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Маънавият ва давлат тилини ривожлантириш масалалари департаменти ҳамкорлигида «Ғазал ғизоли» баёзининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2022 йил
19 февраль
ШАНБА
№ 22
(4618)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
• www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz

Кун иқтибоси

Халқимиз мана шундай обод, чиройли жойларда яшашга муносиб.

Шавкат Мирзиёев



ЯНГИҲАЁТ: ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЛОЙИҲАЛАР ИЖОБАТИ



Президент Шавкат Мирзиёев маҳаллалар ҳаёти, саноат лойиҳалари билан танишиш мақсадида 18 февраль куни Тошкент шаҳрининг Янгиҳаёт туманида бўлди.



Фото: president.uz



Жиззах вилояти

Қасаба уюшмаси аралашгач...

30 йиллик таътил пули

Меҳнат фаолияти давомида таътилга чиқмаган фуқароларга компенсация пуллари ундириб берилди

Шароф Рашидов тумани «Тинчлик» МФЙ Уч қиз қишлоғида яшовчи Худоёр Ражабов ҳамда Гавҳар Ражабовлар фойдаланилмаган йиллик меҳнат таътиллари учун пуллик компенсация ундиришда амалий ёрдам сўраб, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилояти кенгашига мурожаат қилди.

Ражабова эса шу мактабга 1999 йилнинг сентябрь ойидан қоровул вазифасига ишга қабул қилинган. Худоёр Ражабов 1985-2021 йиллардаги меҳнат фаолияти давомида 30, Гавҳар Ражабова эса 1999-2019 йиллар учун 19 йиллик меҳнат таътилга чиқмаган.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилояти кенгаши томонидан Унга кўра, Худоёр Ражабов тумандаги 44-сонли мактабда 1985 йилнинг сентябрь ойидан ҳўжалик ишлари бўйича мудир, Гавҳар

ган 31085483 (ўттиз бир миллион саксон беш минг тўрт юз саксон уч) сўм, Худоёр Ражабовага 61885440 (олтмиш бир миллион саккиз юз саксон беш минг тўрт юз қирқ минг) сўм тўлаб бериш ҳақида 2021 йилнинг 7 декабрь куни 01-08/1430-сонли тақдимнома киритилди.

Бироқ иш берувчи тақдимномани кўриб чиққани тўғрисида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилояти кенгашига маълумот бермагани сабабли низони суд тартибида ҳал қилиш учун Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судига даъво аризаси билан мурожаат қилинди. Суд ишни кўриб чиқиб, жавобгар томондан Худоёр Ражабов ҳамда Гавҳар Ражабовларга юқорида кўрсатилган суммани тўлаб бериш бўйича ҳал қилув қарори қабул қилди.



Бухоро вилояти



Миннатдорлик

Оила даврасидаги БАХТ

Узоқ йиллар Бухоро шаҳридаги 32-сонли Меҳрибонлик уйида яшадим, тарбия олдим. Нолимайман, у ерда барча шароит бор эди. Бизни йўқлаб келувчиларнинг кети узилмасди. Бироқ ота-она муҳаббатини ҳис қилиб яшаётган болаларга хос оилавий бахтдан бенасиблигимиз қалбларимизни ўқитгани рост. Ахир дунёда энг тотли туйғу – она меҳри. Бу меҳр эса тошларни эритишга қодир.

Президентимиз ташаббуси билан Меҳрибонлик уйлари фаолияти тугатилиб, тарбияланувчилар оилалар бағрига берилгани инсонийликнинг энг олий кўриниши бўлди. Мен ҳам энди оила даврасидаман. Оилага келганимда дастлаб бироз ҳайқидим, ноқулайлик ҳам бўлди. Бир муҳитдан бошқача ҳимояга олинишнинг қўл келганимда бошининг силлайдиган меҳрибон қўл борлиги... Булар ҳаммаси ажойиб. Мен учун шундан бошқа меҳр, эътибор, фамхўрлик намунаси йўқ дунёда. Бугун оила даврасидаги бахтдан масрурман. Бунинг учун мазкур ташаббус эгаси – давлатимиз раҳбаридан беҳад миннатдорман. Тилагим эса барча фарзандлар оила даврасида улғайсин!

Азиза ЖўРАҚУЛОВА
Бухоро тумани

Наврўз байрамида неча кун дам оламиз?

Президентимизнинг «2022 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги Фармони билан 2022 йил 22 ва 23 март кунлари барча ходимлар учун (иш ҳафтасининг туридан қатъи назар) қўшимча дам олиш кунлари этиб белгиланган.

Шунга кўра, 5 кунлик иш ҳафтасида ишлайдиган ходимлар Наврўз байрами муносабати билан кетма-кет 5 кун дам олади.

Хусусан:

- 19 март (шанба) – дам олиш куни;
- 20 март (якшанба) – дам олиш куни;
- 21 март (душанба) – Наврўз байрами;
- 22 март (сешанба) – қўшимча ишланмайдиган кун.
- 23 март (чоршанба) – қўшимча ишланмайдиган кун.

6 кунлик иш ҳафтасида ишлайдиган ходимлар эса кетма-кет 4 кун (20-23 март кунлари) дам олади.

Маълумот учун



Наманган вилояти



Бандлик



Айни кунларда «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар бандлигини таъминлашга кўмаклашиш ва уларни тадбиркорликка йўналтириш бўйича ҳар қачонгидан кўра самарали ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Наманган вилояти кенгаши ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда «Ишга

«Аёллар билан ЮЗМА-ЮЗ»

марҳамат» мономарказида «Аёллар билан юзма-юз» лойиҳаси доирасида тадбир ташкил этди. «Аёллар дафтари»га киритилган 70 нафар хотин-қизга мономарказнинг малакали ўқитувчилари соч турмаклаш, тикувчилик, қандолатчилик, ошпазлик йўналишлари бўйича кўргазмали тарзда машғулотлар ўтказишди. Шунингдек, иштирокчилар «Ишга марҳамат» мономаркази ҳудудида ташкил этилган иссиқхона фаолияти билан танишиб, томчилаб сўғориш асосида помидор, бодиринг

етиштириш бўйича ўзларига тегишли тавсиялар олишди. Этиборли жиҳати, тикувчилик йўналиши бўйича таълим олаётган Вилоят кар-соқовлар жамиятининг бир гуруҳ хотин-қизлари ўзлари эгаллаган ҳунар сирларини йиғилганларга мастер-класс орқали намойиш этиб, кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлишди.

Шавкат ҚАҲҲОРОВ,
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Наманган вилояти кенгаши етакчи мутахассиси



Фарғона вилояти

Фаолият

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳ бошланғич ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида Фарғона вилоятидаги қатор корхона, ташкилот ва муассасаларда бўлишди.

АМАЛИЙ ЁРДАМ



Даставвал ишчи гуруҳ аъзолари Фарғона шаҳридаги аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келиётган «Biotest Medical» масъулияти чекланган жамияти касба уюшма кўмитаси фаолияти, меҳнатни муҳофаза қилиш, ходимларга яратилган меҳнат шароитлари, имтиёзлар, жамоа шартномасига киритилган бандлар билан яқиндан танишдилар. Фаолиятини 2017 йилда

кўмак биз учун айни муддао бўлди, – дейди «Biotest Medical» МЧЖ бошланғич касба уюшма кўмитаси раиси Қобилжон Абдулаҳадов. – Иш фаолиятимизда дуч келишимиз мумкин бўлган кўплаб масалаларга оидинлик қиритиб олдик. Қолаверса, ишчи-ходимларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, иш ҳужжатларини қонун талабларига мувофиқ ташкил этиш бўйича ҳам ўта муҳим билимларга эга бўлдик.

– Кўрсатилган амалий кўмак биз учун айни муддао бўлди, – дейди «Biotest Medical» МЧЖ бошланғич касба уюшма кўмитаси раиси Қобилжон Абдулаҳадов. – Иш фаолиятимизда дуч келишимиз мумкин бўлган кўплаб масалаларга оидинлик қиритиб олдик. Қолаверса, ишчи-ходимларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, иш ҳужжатларини қонун талабларига мувофиқ ташкил этиш бўйича ҳам ўта муҳим билимларга эга бўлдик.

Ишчи гуруҳ Фарғона шаҳридаги Президент мактаби, Қува туманидаги 59-мактабга таълим ташкилоти, «Қувадон» МЧЖ, «Фарғона йўл қурилиш таъмирчи» МЧЖ, Фарғона туманидаги 62-умумтаълим мактаби, «Баҳодир Лоғон текстиль» МЧЖ, «Фарғона тиббиёт фаизи» хусусий кортежини бошланғич касба уюшма ташкилотларида ҳам бўлдилар.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«ISHONCH»



Қашқадарё вилояти


Касба уюшмалари нафақат ходимлар, балки уларнинг оила аъзолари манфаатлари ҳимоячиси ҳамдир ва ушбу йўналишда турли ташаббусларни илгари сураётир.




Кўрик-танлов

Миллатнинг закий оналари

Уқарши шаҳрида ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари ўртасида «Балли, аёллар» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ кўмондонлигига қарашли қисмлар ҳарбий хизматчиларнинг турмуш ўртоқлари қатнашди. Дилбар аёллар нафосат ва заковат, адабиёт ва санъат, оила саришталиги, миллий қадриятларимизни тараннум этиш каби қизиқарли шартлар бўйича билим ҳамда кўникмаларини синовдан ўтказишди. Президентимиз илгари сурган бешта ташаббус тарғиботини ўзида мужжасам этган махсус танловнинг ғолиба ва совриндорлари Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Қашқадарё вилояти кенгаши томонидан муносиб тақдирланди. Кўрик-танлов чоғида Ўзбекистон Қаҳрамони Муҳаббат Шаропова иштирокчиларнинг чиқишларини баҳолаб экан, уларга «миллат мардларини тарбиялайдиган закий оналар» дея таъриф берди...



Муножат НОРОВА,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Қашқадарё вилояти кенгаши раиси



Хоразм вилояти

Тадбир

«Урганчтрансгаз» унитар корхонаси касба уюшма кўмитаси томонидан «Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!» шиори остида маънавият форуми ташкил этилди.

Маънавият форуми

Дастлаб маънавият соати ўтказилиб, «Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!», «Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари», «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси ва «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили» давлат дастури моҳияти» мавзуларида маърузалар тингланди.

Урганч давлат университети профессор-ўқитувчилари иштирокида буюк сиймолар – Алишер Навоий ҳамда Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодига бағишланган давра суҳбати ҳам қизғин кечди.

Шундан сўнг иштирокчилар корхона тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи музей экспонатлари билан танишдилар.

Форум доирасида ташкил қилинган «Заковат» интеллектуал ўйини ҳамда шахмат-шашка, стол теннис бўйича спорт мусобақалари қизғин ва кўтаринки руҳда ўтди.

Форумнинг иккинчи куниди иштирокчилар қадимий ва навқирон Хива бўйлаб саёҳат қилдилар.

– Бу каби тадбирлар ходимларга руҳий ва жисмоний қувват бағишлаб, дунёқарашларини ўзгартиради, – дейди корхона касба уюшма кўмитаси раиси Равшан Эшчанов. – Шу сабаб йил давомида бу каби тадбирларни кўплаб уюштиришни режалаштирганмиз.

Муҳаббат ТўРАБОВА,
«ISHONCH»



Самарқанд вилояти

БИР ЙИЛДА ЎН МИНГТА МУРОЖААТ

ёхуд соғлиқни сақлаш соҳасидаги муаммолар нега бунчалар кўп?

Очиғи, биз аввалига Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмасининг Самарқанд вилояти кенгаши ва қуйи касба уюшмалари томонидан ҳар ойда ўртача 900 тадан зиёд мурожаат ўрганилганига ишончарамадик. Аммо бу гап рост бўлиб чиқди.

– Тизим касба уюшмаларида қайд этилган 10837 та мурожаатнинг 10235 таси қаноатлантирилди, – дейди вилоят кенгаши мутахассиси Шаҳло Хусанова. – 542 та шикоят муаллифларига

МЕҲНАТ ҚОНУНЛАРИ БУЗИЛИШИГА ДОИР 36 ТА ҲОЛАТДА СУДГА ДАВО АРИЗАЛАРИ КИРИТИЛДИ. 32 НАФАР ХОДИМИНИНГ МАЊФААТЛАРИ ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛАР ЁРДАМИДА ТИКЛАНДИ. МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИГА ПУТУР ЕТГАН, МАЖБУРАН ИШСИЗ ҚОЛДИРИЛГАН 121 НАФАР ХОДИМГА 126 МИЛЛИОН СЎМ МИҚДОРИДАГИ МЕҲНАТ ҲАҚЛАРИ УНДИРИБ БЕРИЛДИ.



тушунча ва ҳуқуқий маслаҳатлар берилди, 60 та мурожаат эса тааллуқлилик даражасига кўра, рад этилди.

Мурожаатлар таҳлиliga назар ташлаб, соҳада ишга боғлиқ хатоликлар ростданам кўплигини пайқадик. Касба уюшмалари эса бу муаммоларни имкон қадар бартараф этишга ҳаракат

қилмоқда. Уларнинг аралашуви билан лавозимидан ноҳақ бўшатилган, ҳомиладорлик таътилидан кейин ўз иш ўрнига қайта олинмаган 700 нафар ходимнинг ҳуқуқлари тикланди. Меҳнат қонунлари бузилишига доир 36 та ҳолатда судга даво аризалари киритилди. 32 нафар ходимнинг манфаатлари фуқаролик ишлари бўйича судлар ёрдамида тикланди. Меҳнат ҳуқуқларига путур етган, мажбуран ишсиз қолдирилган 121 нафар ходимга 126 миллион сўм миқдоридаги меҳнат ҳақлари ундириб берилди.

Самарқанд шаҳар марказий поликлиникаси ҳамшираси Сурайё Шакарлова ҳам

ноҳақликка учраганлардан бири. Чорак асрлик меҳнат стажига эга бу аёлдан раҳбарият поликлиника ёпилди, деган баҳонада ишдан бўшаш тўғрисида ариза ёздириб олади. Кейинчалик уни 8-оилавий поликлиникага ярим ставка ишга қабул қилади. Ноҳақликка чидай олмаган ҳамшира тармоқ касба уюшмасига нажот истаб келди. Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси билан олиб борилган музокаралар натижа-сида унинг муаммоси ижобий ечим топди.

– Ўтган йилнинг сўнги саккиз ойи мобайнида бевосита меҳнат инспекциясига турли йўналишларга доир 46 та мурожаат келиб тушди, – дейди Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Самарқанд вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқи инспектори Абдунаби Турсунов. – Барча мурожаатлар тегишли равишда қаноатлантирилди. Олти ҳолатда ходимларнинг жами 8 миллион 324 минг сўмлик иш ҳақлари ундириб берилди. Пастдарғом тумани тиббиёт бўлими ходими З.Тўраеванин манфаатларини уч марта судда ҳимоя қилдик. Пировардида адолат қарор топди.

Мурожаатлар билан ишлашда тармоқ касба уюшмалари манфаатлар тўқнашу-вига кескин зарба бермоқда. Бу эса тизимда мусаффо муҳит шаклланишига, одамларнинг эртанги кунга ишончи ортишига хизмат қилмоқда.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»



